



МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Инсон омили — олий қадрият



Кучли фуқаролик жамиятида инсон манфаатлари, хусусан, меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиш устувор вазифа ҳисобланади. Бу борада республика касба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар эътирофга лойиқ. Миллий матбуот марказида ташкил этилган «Корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланган жамоа шартномалари орқали иқтисодий шериклик асосида олиб борилаётган ишларнинг инсон манфаатларини ҳимоялашдаги аҳамияти» мавзусидаги анжуманда ана шу фаолият натижалари сарҳисоб этилди.

Унда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Анжуманда Федерация Кенгаши раиси Танзила Нарбаева сўзга чиқди.

Хуқуқий асос

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Натижада меҳнат соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи мустақил хуқуқий асос яратилди. Бу касба уюшмалари фаолиятида ўз аксини топмоқда. Жумладан, «Касба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунилари, Меҳнат кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, улар орқали меҳнаткашларнинг барча тоифалари учун касба уюшмаларига бирлашиш, жамоа музокараларини олиб бориш ҳамда жамоа шартномаларини тузиш ҳуқуқлари кафолатланган. Шунингдек,

халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари ратификация қилинган ҳам фаолиятда қўл келаяптир. Анжуманда таъкидландики, касба уюшмалари жамоа музокараларини олиб бориш бўйича устувор ҳуқуқ берилган. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Меҳнат кодексига белгилаб қўйилган бурч ва мажбуриятларга қўра касба уюшмалари иш бериувчилар билан мустақил хуқуқий асосларга таянган ҳолда иш олиб бормоқда. Бунда жамоа шартномалари муҳим ўрин тутди. У корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимлар билан иш бериувчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солиш, уларнинг иқтисодий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам бериш, имтиёзлар яратиш мақсадида тузилди. Бугунги кунда, жамоа шартномаси - иш бериувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнат, иқтисодий-иқтисодий ва касба оид му-

носабатларни нафақат тартибга солувчи, балки барқарорлаштирувчи локал норматив ҳужжат сифатида тан олинмоқда. Эътиборли томони, ушбу ҳужжат мулкчилик шакли, қайси идорага бўйсунуши ва ходимлар сонидан қатъи назар, корхоналар ва уларнинг юридик шахс ҳуқуқи берилган таркибий бўлиналарида тузилди.

Кайд этиш жоизки, ҳозирда мамлакатимиз бўйлаб Бош келишув, 85 та тармоқ келишуви, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри даражасида 14 та ҳудудий келишув, шунингдек, 509 та ҳудудий-тармоқ келишуви амал қилмоқда. Шулар асосида корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланган 91 мингдан зиёд жамоа шартномалари орқали 4 млн. 128 минг нафар ходим манфаати ҳимояланган. Жамоа шартномалари билан юридик шахсларнинг 94 фоизи қамраб олинган ва бу дунё миқёсида энг юқори кўрсаткич экани эътиборга молик. Уларнинг деярли 80 фоизига иш бериувчи ташаббусига қўра ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан аввал, албатта касба уюшма кўмитасининг розилигини олиш лозимлиги тўғрисидаги банд киритилган. Бу касба уюшма аъзоларини ноқонуний ишдан бўшатишдан ҳимоя қилишда муҳим таянчдир.

(Давоми 2-бетда).

ҲАМЖИХАТЛИК

«Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси «Устюртгаз» унитар шўба корхонаси Қўнғиротда жойлашган. Номидан аёнки, унинг ҳудуди Устюрт кенгликларини қамраб олади. Корхонага ўз касбининг билимдони Мурат Палуанбаев раҳбарлик қилмоқда.

«Устюртгаз»: меҳнаткашлар манфаатдор

— Корхона тизимида 4 та ишлатилаётган газконденсат кони мавжуд. Булар Дали, Шарқий ва Шимолий Бердақ ҳамда Сурғил конларидир. Бундан ташқари, 2 та ёрдамчи ишлаб чиқариш участкамиз бор. Бу автотранспорт ҳўжалиги ва Қирққиз темир йўл станциясидаги Оқчулоқ конденсат куйиш эстакадасидир, — дея бизни корхона фаолияти билан таништира бошлади касба уюшма кўмитаси раиси Жуманазар Умаров. — Конлардан қазиб олинаётган газ ва газ конденсати нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун тегишли корхоналар — «Ўзтрансгаз» АК, «Бухоро НКИЗ» ва «Игликгаз» Россия — Қорақалпоғистон қўша корхоналарига етказиб берилмоқда. Корхона балансидаги Сурғил, Шарқий ва Шимолий Бердақ конларининг ишга туширилиши шов-шувга айланиши кутилаетган Устюрт газ-кимё мажмуаси хомашё базалари ҳисобланади. Ушбу конларда бурғилаш ишлари жадал суратларда олиб борилаёттир.

Ўтган йили корхона 2957,043 миллион метр куб табиий газ, 71,898 минг тонна конденсат ишлаб чиқариб, мамлакатимизнинг нефть маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондиришга салмоқли улуш қўшди. Хўш, юрт иқтисодиётида ўз ўрнига эга

корхонада ишчи-хизматчилар учун қандай шарт-шароитлар яратилган? Уларнинг меҳнатлари қай даражада муҳофаза қилинмоқда? Иқтисодий-иқтисодий ҳимояси-чи?

Ушбу саволларга жавобан касба уюшма кўмитаси раиси жамоа шартномасининг бажарилиши қатъий назорат қилиб келинаётганлигини таъкидлади. — Барча ишлаб чиқариш участкаларида ишчи-хизматчилар учун хавфсиз меҳнат шароитлари яратилган. Уларнинг ҳаммаси меҳнатни муҳофаза қилиш ускуналари, махсус кийимлар билан таъминланган, иш бериувчи ҳисобидан уч маҳал бепул иссиқ овқат берилаёттир, — дейди Ж. Умаров.

Хавфсиз меҳнат шароити яратиш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқариш ҳудудларида 11 нафар меҳнат муҳофазаси вакиллари фаолият кўрсатяпти. Самарадорлики таъминлаш мақсадида уларни маъмурият ҳамда касба уюшмаси ҳисобидан моддий рағбатлантириш йўлга қўйилган.

Аъзоларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш мақсадида ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Барча ҳудудларда тренажёр, шахмат-шашка тахтаси, теннис столлари бор. Волейбол,

футбол майдончалари ҳамisha гавжум. Спартакиадалар уюштирилиб, ғолиблар муносиб рағбатлантириляпти.

Маънавият хоналари мамлакатимизда нашр этиладиган газета ва журналлар билан таъминланган. Умумхалқ байрамлари ва турли саналар муносабати билан маънавий-маданий кечалар уюштириш аънамага айланган.

Маъмурият ва касба уюшмаси ишчи-хизматчиларнинг соғлиқларини тиклаш, касбий касалликка чалинишларнинг олдини олиш борасида ҳамжиҳатдир. Аъзолардан бир нечаси «Бўстон», «Оқтош», «Умид гулшани», «Чинобод», «Туррон» санаторийлари, Қўнғиротдаги санаторий-профилакторий, Чимбойдаги «Гулпаршин» санаторийсида корхона ва касба уюшма ҳисобидан саломатликларини тиклашга муваффақ бўлишди. Фарзандлар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳам етарлича эътибор қаратилмоқда. Бултур ишчи-хизматчиларнинг 120 нафар фарзанди Тошкент вилоятидаги «Чотқол» ёғи болалар дам олиш оромгоҳида таътилни мароқли ўтказишди. Жорий санада ҳам бундай ишлар салмоғи янада ортиши шубҳасиздир.

Мухаббат ТўРАБОЕВА, «Ishonch» мухбири

ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Жамоатчилик назорати

Сирдарё вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши мажлислар залида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Германиянинг Конрад Аденауэр фонди ҳамкорлигида «Фуқаролик жамиятлари ва Омбудсманнинг ҳамкорлиги. Жамоатчилик назоратининг миллий ва халқаро тажрибаси» мавзусида уч кунлик семинар ташкил этилди.

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, германиялик доктор Хайнц Бюлер, Олий Мажлис Қонунийлик палатаси депутатлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, хотин-қизлар кўмитаси вакиллари билан биргаликда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада ривожлантириш, жамоатчилик назоратини таъминлашдаги устувор вазифаларга эътибор қаратилди.

Жумладан, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Сирдарё вилояти вакили, вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси К.Оқбўтаев шундай деди:

— Фуқароларнинг меҳнат муносабатларига доир ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодий-иқтисодий ҳуқуқларига доир қонуностилишлар олдини олиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, «Камолот» ЕИХ вилоят кенгаши, фуқаролик жамиятини шакллантиришни мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлими билан қўша тадбирлар режаси имзоланиб, амалий ишлар олиб боришмоқда. Минтақавий вакил номига фуқаролардан 50 та мурожаат келиб тушди. Шундан 34 таси назоратга олинди, 20 таси ижобий ҳал қилинди, 8 таси қаноатлантирилди, 6 таси етарли далиллар мавжуд эмаслиги сабабли қаноатлантирилмади. Шунингдек, ЎзКУФК бўлим мудири М.Исаевнинг «Тўлиқ меҳнат шарт-шароитларини яратишда маъмурият фаолиятининг назорат қилиниши ва фуқароларнинг иқтисодий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда касба уюшмаларининг роли» мавзусидаги чиқиши иштирокчиларга манзур бўлди.

Ш.УМАРАЛИЕВА, вилоят КУТБК юридик бўлими мудири

ДАХЛДОРЛИК ТУЙГУСИ

Истиқлолнинг қанчалик буюк, бебаҳо неъмат эканлигини мустақиллик йилларида янада теранроқ ҳис этдик. Қалбимиз ғурур-ифтихорга тўлди.

ХОТИРАОБОД

Хотира ва қадрлаш куни, қизалоқ неварам билан Мустақиллик майдонида бўлди. Мангу олов, беомон урушда жангбандидан айрилган юз-кўзлари, жисми мунг-ғуссага тўлиқ мотам-саро она ҳайкали қаршида, ўнлаб гулчамбарлар оғушида бир зум сукутга чўмдик, шарқона, бетакрор услубда битилган айвонларга терилган темир дафтар-

лардан Пайарикдан урушга кетиб, 1942 йилда халок бўлган отам Хайдаров Умиркулнинг номи нечанчи бор ўқиб, ётиқдошига содиқ қолиб, бошқа турмуш қурмай ўзини меҳнат билан овутиб, уч норасида фарзандини воёга етказган, етмиш етти ёшида вафот этган муштипар онажоним — Ойсулвў Хайдаровани эслаб кўзларимда ёш қалқди.

Мустақиллик майдони гўё зибратгоҳга айланган-дек. Сайр этаётган одамлар оқими гоҳ йғилиб, гоҳ ёйилиб оқайган азим дарёни эслатади. Нуруний отахонлар, онахонлар, ҳарбийлар, ўқувчи, талабалар, келин-куёвлар, болакайлар, мўъжаз аппарат, камера осиб олган хорихлик сайёҳлар...

(Давоми 2-бетда).

ИШ БИЛАНГА МИНГ ТАНГА

Олтинсойда мих тайёрланмоқда

Олтинсойлик Тоир Жалиловнинг асли касби молиячи. У 1996 йилдан 2009 йилга қадар туман солиқ давлат инспекциясида ишлаган. 1995 йилда укаси Россиядан бир дастгоҳ келтирганди. Аммо ҳеч ким уни ишлатишга уриниб кўрмади ҳам. Кунларнинг бирида уларнинг хонадонига Самарқанддан бир танишлари келиб, бу асобнинг ўта ноёблигини айтиб қолди...

Кейин билишса, уни ишлатиш оддий бўлиб, кўп харажат талаб қилмас экан. Шу-шу Олтинсой марказида жойлашган иморатлардан бирига дастгоҳни ўрнатиб, мих ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Солиқ соҳасида ишлаган эмасми, дарҳол ҳужжатларни тайёрлаб, «Олтинсой мих инвест» савдо ишлаб чиқариш корхонасини ташкил қилди. Узоқ вақт хомашё ахтариб, ниҳоят, Тошкент шаҳридаги «Бешёғоч металл» қўша корхонасида дастгоҳга тушадиған сим топди. Тез орада қўша корхона билан шартнома тузиб,

сим келтиришни йўлга қўйди. — Уч йилдирки, корхонамизда 70-120 сантиметр ҳажмдаги мих тайёрляпти, — дейди хусусий тадбиркор Тоир Жалилов. — Бу ерда бир суткада 3 тонна ҳар хил ҳажмдаги сифатли михларни тайёрлаш мумкин. Шеригим Бахром Чориев билан кунига 8 соат ишлаб, буюртма асосида бир тонна атрофда ҳар хил ўлчамдаги михларни ишлаб чиқармоқдамиз. Ҳозирча маҳсулотимизни Олтинсой ва Денов туманларидаги дўконларга етказиб бераёلمиз. Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

МУТАХАССИС ШАРҲЛАЙДИ

Тахририятга турли алоқа каналлари — почта (шу жумладан электрон почта), телефон, www.norma.uz сайти орқали жисмоний шахслардан касба уюшмаси органлари ёки уларда ишлаш билан боғлиқ ишдан олган даромадларга солиқ солиниши билан боғлиқ саволлар келиб тушиди. Бугун уларга «Norma Ekspert» мутахассиси жавоб беради.

Касба уюшмасидан олинган даромадга солиқ солинмайди

ёки ходимлар касба уюшмаси бюджетидан олган даромадларга ЖШДС солиниш тўғрисида

— Касба уюшмасининг тармоқ кенгаши касба уюшмаси фаолига касба уюшмаси бюджетидан маблағлари ҳисобидан бир марталик мукофотлар тўлайди. Одатда улар байрам санасига тўғриланади ёки йил якунлари бўйича тўланади. Ушбу мукофотларни олувчилар учун қандай солиқ оқибатлари юзага келади?

— Касба уюшмаси бюджетидан, хусусан, аъзолик бадаллари ҳисобидан шакллантирилади. Солиқ кодекси (СК) 171-моддада иккинчи қисмининг 2-бандига қўра касба уюшма кўмитаси томонидан амалга ошириладиган тўловлар, шу жумладан аъзолик бадаллари ҳисобидан касба уюшма аъзоларига бериладиган моддий ёрдам жисмоний шахсларнинг даромади сифатида жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи солинмайди. Шу тариқа, касба уюшма фаоллари — аъзолик бадаллари ҳисобидан тўланган мукофот ёки моддий ёрдам олувчилар учун на ЖШДС бўйича, на мажбурий сугурта бадаллари бўйича солиқ оқибатлари юзага келмайди. Бунда мукофотланувчи шахслар ўзларининг ишлаб чиқариш ишидан озод этилмаслиги, балки касба уюшма органининг штатдаги ходимлари ҳисобланмасдан касба уюшма кўмиталарида иштирокчи асосда ишлашлари керак.

— СК 171-моддаси иккинчи қисмининг 2-бандини изоҳлаб берсангиз, унга қўра касба уюшмаси кўмитаси томонидан касба уюшмаси кўмитаси ходимларига меҳнат вазифаларини бажарганлик учун тўланадиган тўловлар даромад деб эътироф этилади. Бу касба уюшма аппаратининг ишдан озод этилган штатдаги ходимлари мансаб мажбуриятларини бажарганлик учун оладиган тўловлар тўғрисида сўз борапти, деган маънони аниқлашди.

— Агар ходимлар касба уюшмаси кўмитасининг штатдаги ходимлари ҳисоблансалар, яъни ўз меҳнат вазифаларини бажарсалар ва тегашли даромадлар олсалар СК 171-моддаси иккинчи қисмининг 2-банди меъёри уларга татбиқ этилмайди.

(Давоми 3-бетда).

Касаба уюшмасидан олинган даромадга солиқ солинмайди

ёки ходимлар касаба уюшмаси бюджетидан олган даромадларга ЖШДС солиш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Меҳнат вазифаларини бажарганлик учун улар олган даромадлар (шу жумладан, мукофотлар, қўшимча ҳақлар ва бошқалар) меҳнатга ҳақ тўлаш (СК 172-моддаси), моддий наф тарзидаги даромадлар (СК 177-моддаси) ёки бошқа даромадлар (СК 178-моддаси) тарзида баҳоланган ва уларга белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг суғурта бадаллари солинади.

— Корхонанинг айрим ходимлари касаба уюшмасидаги ишни жамоатчилик асосида бажарадилар, яъни бунинг учун қўшимча ҳақ (иш ҳақи) олмайдилар. Касаба уюшмаси органи йилда бир-икки марта ушбу фаолларни аъзолик бадаллари ҳисобидан мукофотлайди. Уларга СК 171-моддаси иккинчи қисми 2-бандининг қоидалари таъбиқ этиладими?

— Сиз қайд этган, касаба уюшмаси аъзоларининг аъзолик бадаллари ҳисобидан тўланадиган мукофотлар ушбу жамоатчиликнинг даромади деб қаралмайди ҳамда уларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва жамғармаларга мажбурий ажратмалар солинмайди (СК 171-моддаси иккинчи қисмининг 2-банди).

— Корхона касаба уюшмаси қўмитаси ходимлари (улар ҳақ олмасдан жамоат иши билан шуғулланишлари) республикада белгиланган ЭКИХнинг 2 бараварига тенг миқдорда қўшимча ҳақ тўланади. Олувчиларнинг ушбу даромадларига қандай солиқлар солинади?

— Агар қўшимча ҳақлар касаба уюшмаси сайлаб қўйиладиган органларнинг ўз ишидан озод қилинмаган, касаба уюшмаси қўмиталарида иштиёрий асосда ишлаётган аъзоларига касаба уюшмаси органига келиб тўлашдан аъзолик бадаллари ҳисобидан тўланса, жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди ва уларга ЖШДС солинмайди. Мазкур қўшимча ҳақларга ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг суғурта бадаллари ҳам солинмайди.

— 1) хўжалик органи маблағлари ҳисобидан;

2) касаба уюшмасига аъзолик бадаллари ҳисобидан харид қилинган болаларнинг соғломлаштириш оромгоҳлари, санаторий ва дам олиш зоналарига йўланмалар, аттракционлар, кўнгилчар томошаларга кириш чипталари, Ўзбекистоннинг тарихий жойлари бўйлаб туристик сафарлар, шунингдек болаларга янги йил совғаларининг қийматида даромад солиғи солинадими?

— СКнинг 171-моддасига кўра, қуйдагилар жисмоний шахсларнинг жами даромадига қиради:

- меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар;
- мулкӣ даромадлар;
- моддий наф тарзидаги даромадлар;
- бошқа даромадлар.

СКнинг 177-моддасига мувофиқ солиқ тўловчи томонидан юридик шахсдан моддий наф тарзида олинган даромадлар бўлиб қуйдагилар ҳисобланади:

- юридик шахс томонидан жисмоний шахс манфаатларини кўлаб, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини, мулкӣ ҳуқуқларни тўлаш, шу жумладан, санаторий-курортларда даволаниш йўланмалари қийматини, дам олиш, стационар ва амбулаторияга қатнаб даволаниш ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш.

лаш қийматини тўлаш.

ЖШДС бўйича солиқ солинадиган база жами даромаддан келиб чиқиб, СКнинг 179-моддасига мувофиқ солиқ солишдан озод қилинган даромадларни чегирган ҳолда белгиланади. Унга кўра, жисмоний шахсларнинг қуйдаги даромадларига солиқ солинмайди:

- йўланмалар қийматини юридик шахслар томонидан тўлик ёки қисман қоплаш суммалари, туристик йўланмалар бундан мустасно;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига йўланмалар қийматини ноғиронларга, шу жумладан, мазкур корхонада ишлайдиган ноғиронларга;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган болалар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳлари, шунингдек, ота-оналарнинг болалари билан дам олишига махсус мўлжалланган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига ўз ходимларининг 16 ёшга тўлмаган болалари (18 ёшгача бўлган ўқувчилар) учун йўланмалар қийматини;

— юридик шахсдан солиқ даври мобайнида ЭКИХнинг 6 бараваригача қийматда олинган;

— ходимларга натура шаклидаги совғалар; илгари мазкур юридик шахснинг ходимлари ҳисобланган ишламаётган пенсияерлар ва меҳнат қобилиятини йўқотган шахсларга, вафот этган ходимнинг оила аъзоларига совғалар ва бошқа ёрдам турлари.

Агар мазкур даромадлар корхона (ташкилот) маблағлари ҳисобидан олинган бўлса, фақат:

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган болалар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳлари, шунингдек, ота-оналарнинг болалари билан дам олишига махсус мўлжалланган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига ўз ходимларининг болалари учун йўланмаларга;

— солиқ даври мобайнида ЭКИХнинг 6 бараваригача миқдорда — ходимларга совғалар, шунингдек, илгари мазкур юридик шахснинг ходимлари ҳисобланган ишламаётган пенсияерлар ва меҳнат қобилиятини йўқотган шахслар, вафот этган ходимнинг оила аъзоларига совғалар ва бошқа ёрдам турларига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайди.

Ота-оналарнинг болалари билан дам олиши учун мўлжалланмаган бошқа санаторийлар, дам олиш зоналарига йўланмалар, туристик сафарлар, ходим ҳисобланмаган шахсларга янги йил совғалари, хўжалик субъекти маблағлари ҳисобидан харид қилинган аттракционларга, кўнгилчар томошаларга чипталар ходимнинг даромади ҳисобланади ва унга умум-белгиланган тартибда ЖШДС солинади.

Агар даромадларнинг ушбу барча турлари ходимлар томонидан касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ҳисобидан олинган бўлса, уларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайди.

— Касаба уюшмаларининг аъзолик бадаллари ҳисобидан уруш ва меҳнат фахрийлари, пенсияерлар, шунингдек амалиёт ўтаётган талабалар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига («Устоз-шогирд» дастурига мувофиқ) моддий ёрдам кўрсатилади. Унинг тўланиши ҳар доим ҳам ариза берувчининг тегишли

ёзма мурожаатига асосланиши керакми? СК 171-моддасига кўра, ушбу тўловлар жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди. Агар касаба уюшма қўмитасининг маблағлари ҳисобидан ўқорида кўрсатилган тоифалардаги шахсларга бир марталик мукофотлар тўланса, уларда қандай солиқ оқибатлари юзга келади? Агар ЖШДС ушланса, унинг ставкаси қандай бўлади? Касаба уюшмаси органи бу ҳақда солиқ органларини хабардор қилиши керакми?

Ўқорида айтилганидек, касаба уюшма аъзоларига аъзолик бадаллари ҳисобидан тўланадиган ҳар қандай тўловлар (мукофотлар, моддий ёрдам), агар улар касаба уюшма қўмитасининг штатдаги ходимлари ҳисобланмасалар ва уларни меҳнат вазифаларини бажарганлик учун олмасалар, жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди. Бинобарин, уларга солиқлар ҳам, ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар ҳам солинмайди.

Агар моддий ёрдам фахрийлар, талабалар, коллежларнинг ўқувчилари ёки илгари мазкур юридик шахсда ишлаган ва касаба уюшма аъзолари ҳисобланмаган пенсияерларга кўрсатилса, у жисмоний шахснинг бошқа даромадлари сифатида қаралади (СКнинг 178-моддаси), жами даромадга киритилади ва унга ЖШДС солинади. Мазкур тоифадаги шахсларга тўланадиган бир марталик мукофотлар СКнинг 173-моддасига мувофиқ рағбатлантириш хусусида эга тўловларга киритилади ва уларга ЖШДС, ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг суғурта бадаллари солинади.

Шуни ҳам эслатиш ҳоизки, СКнинг 184-ва 185-моддаларига кўра, жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқни тўлов маънасида ҳисоблаб, чиқариш, ушлаб қолиш ва тўлаш мажбурияти юридик шахслар зиммасига юклатилади. Тўлов маънасида ЖШДС солинадиган даромадларга, агар уларни тўлаш манбаи юридик шахс — Ўзбекистон резиденти ҳисобланса, СКнинг 178-моддасида назарда тутилган бошқа даромадлар ҳам қиради.

ЖШДСнинг ҳисобланган суммасини солиқ агенти солиқ тўловчига тўланаётган ҳар қандай пул маблағлари ҳисобидан, улар солиқ тўловчига ёки унинг топшириғига биноан учинчи шахсларга тўланиши чоғида ушлаб қолиши шарт. Ушбу солиқнинг тўри ушлаб қолиниши ва ўз вақтида бюджетга ўтказилиши учун даромад тўлайдиган солиқ агенти жавобгардир. Ушбу талаб бажарилмаган тақдирда у ушлаб қолинмаган солиқ суммасини ҳамда у билан боғлиқ пеняни бюджетга тўлаши шарт.

Бундан ташқари, СКнинг 187-моддасига кўра солиқ агентлари:

- 1) солиқ даври тугаганидан сўнг 30 кун ичида давлат солиқ қиймати органларига даромаддан олган жисмоний шахслар тўғрисида, асосий иш жойи бўйича даромаддан олган жисмоний шахслар бундан мустасно, ДСҚ ва МВ томонидан белгиланадиган шаклда маълумотнома тақдим этиши шарт, унда қуйдагилар акс эттирилади:

— солиқ тўловчининг — жисмоний шахснинг идентификация рақами, унинг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий яшаш жойи манзили;

— ўтган солиқ даври якунлари бўйича даромадларнинг умумий суммаси ва ЖШДСнинг ушлаб қолинган умумий сумма-

си, солиқ агентининг идентификация рақами, унинг номи, жойлашган ери (почта манзили);

2) йилнинг ҳар чорағида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молия ҳисоботини тақдим этиш муддатида давлат солиқ хизмати органларига ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда ЖШДСнинг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотларни белгиланган шаклда тақдим этиши шарт.

Асосий бўлмаган иш жойидан ёки солиқ агентлари бўлиб ҳисобланмаган манбалардан моддий наф тарзида даромад олган жисмоний шахслар эса доимий яшаш жойларидаги солиқ органига йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай жами йиллик даромад тўғрисида декларация тақдим этишлари ва тугаган солиқ давридан кейинги йилнинг 1 июнидан кечиктирмай даромадлар тўғрисидаги декларация маълумотлари бўйича ҳисоблаб чиқарилган ЖШДС тўлашлари шарт (СКнинг 34-боби).

— Касаба уюшма қўмитаси аъзолик бадаллари ҳисобидан хизмат мақсадида фойдаланиш учун 3-4 кишига битта йўл картчаси сотиб олади. Ушбу кишиларда қандай солиқ мажбуриятлари пайдо бўлади?

— СК 171-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандига кўра юридик шахслар амалга оширадиган диний расм-рўсувлар ва маросимларни, байрам тантаналарини ўтказиш, вакиллик харажатлари, шаҳар йўловчилар транспортда ходимларнинг хизмат қатновлари учун фойдаланиладиган йўл картчаларини олиш, шунингдек, юридик шахснинг ходимларининг меҳнат ва дам олиш шароитларини таъминлаш билан боғлиқ ҳамда муайян жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланмайдиган бошқа харажатлар жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди.

Шу сабабли иш берувчининг ходимларга меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳамда муайян харажатларни қоплаши ходимларнинг даромади ҳисобланмайди. Буларга, хусусан, хизмат қатновлари учун харажатлар қиради, уларни иш берувчи хизмат қатновлари учун фойдаланиладиган, шаҳар транспортда юриш учун ойлик йўл картчаларини бериш билан компенсациялади. Мазкур қоплаш суммасига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайди.

Иши хизмат қатновлари билан боғлиқ бўлган, ойлик йўл картчалари улар учун олинадиган ходимларнинг рўйхати, уларнинг фаолият тури ва картчалар олиш мақсади иш берувчининг тегишли буйруғи (фармойиши) билан белгиланади. Унда бундай ходимларнинг фамилиялари рўйхати, улар эгаллаган лавозим, фаолият тури ва йўл картчаларини олиш мақсади кўрсатилади.

Ўқорида кўрсатилган талабларга риоя этилмаган тақдирда йўл картчаларининг қиймати меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадга киритиладиган компенсация тўловларига тааллуқли бўлади (СКнинг 774-моддаси). Унга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, 2012 йилдан бошлаб эса ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг суғурта бадаллари ҳам солинади.

— Корхона ўзининг ходимлари ва уларнинг болалари учун санаторий-курортда даволанишга йўланмалар харид қилади ёки уларнинг амбулаторияда даволанишларига ҳақ тўлайди.

Ушбу суммалардан ЖШДС ушлаб қолиниши ва уларга ЯИТ ҳисоблаб ёзилиши керакми?

— СКнинг 177-моддасига мувофиқ солиқ тўловчи томонидан юридик шахсдан моддий наф тарзида олинган даромадларга юридик шахс томонидан жисмоний шахс манфаатларини кўлаб, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини, мулкӣ ҳуқуқларни тўлаш, шу жумладан, санаторий-курортларда даволаниш йўланмалари қийматини, дам олиш, стационар ва амбулаторияга қатнаб даволаниш ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш ҳисобланади.

ЖШДСнинг солиқ солинадиган базаси жами даромаддан келиб чиқиб, СКнинг 179-моддасига биноан солиқ солишдан озод қилинган даромадларни чегирган ҳолда белгиланади. Унга мувофиқ жисмоний шахслар даромадларининг қиймати турларига солиқ солинмайди:

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига йўланмалар қийматини ноғиронларга, шу жумладан, мазкур корхонада ишлайдиган ноғиронларга тўлик ёки қисман қоплаш суммалари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган болалар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳлари, шунингдек, ота-оналарнинг болалари билан дам олишига махсус мўлжалланган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига ўз ходимларининг 16 ёшга тўлмаган болалари (18 ёшгача бўлган ўқувчилар) учун йўланмалар қийматини тўлик ёки қисман қоплаш суммалари, туристик йўланмалар бундан мустасно (2-банд);

— ўз ходимларига ва уларнинг болаларига амбулатория ва (ёки) стационар тиббий хизмат кўрсатилганлиги учун иш берувчи томонидан тўланган суммалар, шунингдек, юридик шахснинг даволанш ва тиббий хизмат кўрсатганлиги, ноғиронлик профилактикаси ва ноғиронларнинг саломатлигини тиклашга доир техник воситаларни олиш учун қилинган харажатлари. Ходимларни даволанганлиги, уларга тиббий хизмат кўрсатганлиги учун юридик шахслар томонидан соғлиқни сақлаш муассасаларига нақд пулсиз ҳақ тўланган тақдирда, шунингдек, соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан ёзиб берилган ҳужжатлар асосида ушбу мақсадлар учун мўлжалланган нақд пул маблағлари бевосита ҳолимга, ходим йўқлигида, унинг оила аъзоларига, ота-оналарига берилган ёки мазкур мақсадлар учун мўлжалланган маблағлар ходимнинг банкдаги ҳисобварағига киритилган тақдирда, ушбу даромадлар солиқ солишдан озод қилинади (3-банд).

Ўқорида баён этилганлардан келиб чиқадик, ота-оналарнинг болалари билан дам олишлари учун мўлжалланмаган бошқа санаторийларга йўланмалар ходимнинг даромади ҳисобланади ва унга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади. Санаторий-курортларда даволаниш йўланмалари қиймати ва амбулаторияларда даволаниш моддий наф тарзидаги даромад ҳисобланиши сабабли (СКнинг 177-моддаси), унга ижтимоий жамғармаларга доир мажбурий тўловлар (ЯИТ ва фуқароларнинг суғурта бадаллари) солинмайди.

Мария КОСЕНКО, «Norma Expert» мутахассиси

«Солиқ ва боғхона хабарлари» газетасининг 2012 йил 3 май, 19-сонидан олинди.

«Respublika mulk markazi» YoAJ «Poytaxt filiali» бошланғич баҳоси бошқича-босқичи ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ ҳамда Бекobod Енгил саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи 2012 йил 4 май 04-б/1-64-сонли хатига мувофиқ Тошкент вилояти, Бекobod шаҳар, F. Гулом кўчаси 14-дахма манзилида сақланаётган, «ИЖ-2715» русумли, д/р 29 58-ТШР бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 420 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 12 июн куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 8 июн куни соат 18:00.

Ўқоридаги мулк 2012 йил 12 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақририй аукцион савдолари 2012 йил 19 ва 26 июн кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 19 июндаги тақририй савдолар учун 2012 йил 15 июн куни соат 18:00, 26 июндаги савдолар учун 22 июн куни соат 18:00.

Савдо қилини деб топилган шахсга 10 иш кун ичида сотуви билан олди-сотиш шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Ўқоридаги автотранспорт воситасининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини «Respublika mulk markazi» YoAJ «Poytaxt filiali»-нинг ОАИКБ «Ипак йўли банк» Сағбон филиалидаги қуйдаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР 200933850 ОҚОНХ 83300 Манзил: Тошкент ш., Миробод т., Амр Темури шох кўчаси, 16-а-учи. Телефон:233-20-96. www.tmm.uz.

Юксак масъулият — сифатли маҳсулотлар

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, қулай бизнес муҳитининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган бундай доимий эътибор натижасида хориқлик шериклар билан ҳамкорликда барпо этилаётган корхоналар сони йил сайин кўпаймоқда. Тошкентда муваффақиятли фаолият юритаётган «Beltling rezina» масъулияти чекланган жамияти шулар жумласидандир.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган халқаро талабларга мос юқори сифатли маҳсулотлар буюртма асосида харидор талабига ва хоҳишига кўра исталган ҳажмда тайёрланади. «Beltling rezina» маҳсулотни етказиб бериш, сервис ва маслаҳат хизмати кўрсатиш каби вазифаларни ҳам бажаради. «Beltling rezina» юрти-миздаги енгил саноат, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, логистика, машинаасозлик, авиасозлик, ёғочни қайта ишлаш, матбаачилик, гиламдўзлик, фармацевтика каби қатор соҳаларда фаолият юритувчи кўплаб корхоналар, фирма ва компаниялар билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйган. Бундан



А. АБДУЛЛАЕВ (ўзат олган сурат)

ташқари, корхона Италия, Испания, Франция, Германия, Швейцария каби қатор мамлакатлар ишбилармонлари билан ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Суратда: ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Бахтжон Идрисов.

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

Меҳнат кодексининг 211-моддасида барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратиб бериш иш берувчининг мажбуриятга кириши, у меҳнатни муҳофазга қилиш талабларини бузгани учун жавобгар бўлиши қайд этилади. Бироқ...

Барчага сабоқ бўлсин

Абдурахим Хидиров шу куни эрта тонгда яхши ният билан кадрдон жамоаси Сардоба туманидаги «Пахтаобод» пахта тозалаш корхонасига кириб келди. Аммо иш жараёнидаги эътиборсизлиги қимматга тушди. Бахтсиз ҳодиса туфайли ноғирон бўлиб қолди. А.Хидиров ёш эмас, қарийб ўттиз йиллик иш стажига эга эди. Лекин бу жамоада иш бошлаганига эндигина бир ой бўлганди. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида»ги Низомга асосан вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазга қилиш бош бошқармаси томонидан тузилган махсус комиссия ушбу бахтсиз ҳодиса юзасидан ўз хулосаларини билдирди. Маълум бўлишича, кўнгилсиз ҳодиса корхонада иш жараёни нотўри ташкил этилгани, ишчиларнинг хизмат вазифаларини адо этиш пайтида хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаганликлари туфайли келиб чиққан.

Рўй берган бахтсиз ҳодиса юзасидан корхона бошланғич касаба уюшма ташкилотига ҳам эътирозимиз бор. Ташкилот талабчи кўрсатиб, жамоа шартномасида белгиланган меҳнат муҳофазаси бўйича бандларнинг ижросига жиждий эътибор қаратганда, бундай кўнгилсиз ҳодиса юз бермаган бўларди.

Анорбой НОРКУЛОВ

12 май — Халқаро ҳамширалар кунига бағишлаб Чортоқ тиббиёт коллежидан 3-босқич ўқувчилари ўртасида «Йилнинг энг яхши битирувчиси» кўриктанови ўтказилди. Ўқувчиларнинг ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш, билим олиш, касб ўрганишга бўлган иштиқларини рағбатлантириш мақсадида ўтказилган ушбу танловда коллежнинг 7 нафар йигити беллашди.

Йигитлар беллашуви

Танишув шартда коллеж талабаси М. Муродовнинг хотира кунига атаб ўқиб берган шеъри барча томошабинларни таъсирлантирди. Назарий савол-жавоблар шартда Т. Олимов, Н. Нурмухамедов, М. Турсунов жавобларининг тўлиқлиги, ҳар томонлама мукамаллиги билан ажралиб турди. Амалий кўникмаларни бажариш шартда Б. Содиқов, А. Боймирзаев, И. Абдулхайев амалий билимларини кўрсатишди. Эркин мавзу шартда иштирокчилар «Мустаҳкам оила йили»га бағишлаб тайёрлаб келган саҳна кўришларини намойиш этишди. Тадбир сўнгида барча иштирокчилар турли номинациялар бўйича коллеж касба уюшма кўмитасининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Р.ИНАТУЛЛАЕВА,
коллеж касба уюшма кўмитаси раиси



МУСИҚА МАКТАБИНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар музика ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Жиззах вилояти Зомин туманидаги 12-болалар музика ва санъат мактабининг янги биноси барпо этилди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида «Мерос» кўп тармоқли хусусий фирмаси томонидан қуриб фойдаланишга топширилган замонавий санъат қосонасида бугунги кунда юз нафарга яқин ўқувчи фортепиано, аккордион, миллий чолғу ижрочилиги, аънаввий хонандлик, тасвирий санъат, хайкалтарошлик, рақс йўналишларида сабоқ олмақда. Мактаб замона талабларига мувофиқ жиҳозланган. 16 нафар малакали ўқитувчи санъатга ошно бола-

ларга ўз ижодий салоҳиятини ривожлантиришда яқиндан қўмақлашаётир. Мактаб директори Ҳикматилла Хайдаровнинг айтишича, шиман ўқув хоналарида машғуллар ўқувчиларга жадвал асосида олиб борилмоқда. Бу ерда, шунингдек, компютер хоналари, 200 ўринга мўлжалланган қишқик, 60 ўринга эга ёзги концерт заллари мавжуд. Мактаб атрофи тўлиқ ободонлаштирилиб, 120 тулдан зиёд ўрик, нок, олма, арча ва каштан қўчатлари парваришланмоқда. **Суратларда: Зомин туманидаги 12-болалар музика ва санъат мактаби: (ўнгдан) мактаб директори Ҳикматилла Хайдаров, ўқитувчи Асилбек Асадов ва ўқувчи Абдурашул Муродов.**

Умар РАҲМОҚУЛОВ (Ўза)
олган суратлар

СПОРТЧИДАН ДАСТХАТ

Сухбатдошимиз энгил атлетика бўйича кўзга кўринарли натижаларни кўлга киритган спортчи қиз Гулнора Акрамова. Қадимий ва сўлим Чуст шаҳрида туғилиб, вога етаётган Гулнора «Умид ниҳоллари — 2009», «Универсиада — 2010» мусобақаларида муваффақиятли иштирок этганди. Сухбатимиз давомида у эришган ғалабаларни яна бир бор ёдга олдик.

«ҲАР КУН — БИР ИМКОНИЯТ»

«Ҳеч бир соҳа мамлакатини спортчилик дунёга тез танита олмайд!» Юртбошимизнинг бу пурмаъно сўзлари ҳаётимни беэза келмоқда, — дейди у. — Баркамол фарзандларнинг жисмоний ва маънавий устуниги сабаб Ўзбекистон аталмиш жаннатоманд улкани бутун дунё таниди. Уч ўғилдан сўнг Яратган тортиқ этган ягона қизлари айнан спортчи бўлишнинг чин дилдан истаган ота-онам «Узи битта қиз бўлса, шум спортнинг орақасидан шохарма-шахар юрадими?!», тарзидаги қаршиликлар, истеҳзоларга қарамай, қизикшиларимни инобатга олишди.

Мактабда ўқиш билан бир қаторда шахримиздаги 8-болалар ва Усмилар спорт мактабининг энгил атлетика бўлимида мунтазам равишда ўзимни чиниктирдим. Болаларча тасавури билан спринтерлик мусобақаларида қушдек қанот ёзиб югураётган спортчиларга ҳавас қилардим. Ўзим ҳам улардек бўлишни, аввало, шахрим, тумани, вилоятим, қолаверса, мамлакатим номини оламга ёйишни дилга тугдим. Югуриш йўлақлари мени катта ҳаётдаги ғалабалар томон олиб келаверди. Хусусан, 2005 йилнинг 22-23 сентябр кунлари Самарқанд шаҳрида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги энгил атлетика бўйича 1992-1993 йилларда туғилган ёшлар ўртасида мамлакат биринчилигини ўтказди. Шу пайтга қадар вилоят миқёсидаги ўйнаб мусобақаларда голиблик нашидасини сурган бўлсам-да, бироз ҳаяжонландим. Аммо натижалар кўнгидагидек бўлди. Хусусан, 400 метр масофани 1 дақиқаю 7 со-

нида босиб ўтиб, марра чизгичини 3-ўринда кесиб ўтдим. Эстафета баҳсларида ҳам учинчилиكنи эгалладим ва диплом билан тақдирландим. 2006 йилнинг 17-18 феврал кунларида Ўзбекистон биринчилиги Тошкент шаҳрида ташкил этилди. Мазкур анжуманда 300 ва 600 метрга югуриш баҳсларидаги иштироким 2-даражали дипломга муносиб кўрилди. Уша йил 19-20 октябрь кунлари Чирчиқ шаҳрида ўтказилган мамлакат биринчилигида 100 метр масофада югуришда учинчи, 400 метр масофада эса биринчи бўлишга эришдим. Эстафета баҳсларида эса мутлоқ голиб сифатида эътироф этилдим. 2008 йилнинг 4-5 октябрь кунлари Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада ўзбекистонлик спортчи сифатида бронза медалига сазовор бўлдим. Шунингдек, «Умид ниҳоллари — 2009» спорт мусобақаларининг финал босқичида вилоятимиз шаънини ҳимоя қилиб, учинчи ўринни кўлга киритдим. Қизгин ва мурасасиз

кечган «Универсиада — 2010» баҳсларида қатнашиш бахтига муяссар бўлдим. Ғалаба қозондим, баъзан омадсизлик аламини тотиб, тобландим ҳам. Шундай пайтларда ақил оиламизнинг ҳар бир аъзоси менга далда бўлишди. Мурабийим Равшан Ҳакимов устозларча қаттиққўллик ва меҳр билан янги марраларни забт этиш учун чиниктиришдан толмайди. Мен шуғулланаётган спорт тури гарчанд «енгил атлетика» дея аталса-да, меҳнати тош кўтаришдан оғир. Ҳар қандай атлет майдонда тенгсиз бўлиш учун жисмонан етуклик кифоя қилмаслигини яхши билардим. Мен ҳам ўзимни руҳан ўстириш, маънавий камолотимни юксалтиришда китобларни ўзимга дўст тутганман. Ҳаётнинг олтин қондаларини улардан ўрганишни маълум билардим. Ўзимга ўзим «Ҳар кун — бир имконият, уни бой берма!» дея тез-тез такрорлаб тураман. Шунинг учун ҳам бирор янгиликни ўрганмаган, билимимни бойитмаган кунни бесамар ўтди деб, ҳисоблайман. 16 ёшимда талаба деган номга сазовор бўлганим ҳам шу талабчанлигим самараси бўлса керак. Айни пайтда Наманган Давлат университетининг жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультетида 3-босқич тахсилини олаётман. Юртимиз ёшларининг кўнглини оруз-умидларга тўлдириб, «Умид ниҳоллари — 2012» мусобақаси яқинлашмоқда. Укаларим, сингилларимга ғалаба нашидаси ёр бўлишини тилайм!

«Ishonch» мухбири Дилдора РАҲМОНОВА
сухбатлашди

ХОТИРОТ Умр сабоқлари

Офарин донога, ботирга раҳмат!
Бироқ арзимасми мактаб ёзишга —
Ер ҳайдаб, қўй боқиб, чекиб минг заҳмат,
Умрин бахш этганлар энг оддий ишга?
Кайсин ҚУЛИЕВ

Умуминсоний моҳият касб этаётган қадриятларимиз, айниқса, бугунги ўзбек оиласида оталар мавқеи масаласи ҳеч қимни бефарқ қолдирмайди. Зеро, оталар ҳаёти ва тақдирини биз учун бир ибрат. Бёвут туманига қарашли Турсунбой Латипов номидаги жамоа ҳўжалигимизда бўлган катта бир издиҳомда Иккинчи жаҳон уруши фахрийси, деҳқончилиги пахтачиликнинг моҳир устаси Худойёр Латипов ўша қийин даврларни эсга олиб, «Урушдан кейинги оғир йилларда чўлга дастлаб кўчиб келиб, янги ерларни ўзлаштиришни бошлаб берганлардан бири исқандарлик Қосим бова эди», деб таъкиллагани. Миннатдорлик ҳисларига тўла бу эътироф отам ва унга тенгқур бўлган минглаб заҳматқаш фахрийларнинг биз, фарзандларини ва келажакни ўйлаб, машаққатли меҳнат эвазига чўлларни бўстонга айлантирганлари, кўркам ботроғлар, сўлим қишлоқлар барпо этганлари учун эди...

Отам умрининг кўп йилларини чўпонлик қилиб ўтказган. Бу касб бизларга аждоғларимиздан мерос. У чўпонликка ҳавасманд ёшларга «Қирағай чўпон бўлман, обрў топман десанг, фикру-зикринг қизил почда (яъни аёлда) эмас, қора почда (қўйда) бўлсин», деб насаҳат қилар ва бу қадимий машаққатли касбнинг ўзига хос талаблари, роҳату азоблари ва сирларидан оғоҳ этаркан. «Молни унинг туёғидан қаттиқ одам боқали», деб бежиз айтшмаган, дер эди. Ҳозирги кунларимизга келиб, хайриятки, пахтакор ва галлакорларимиз каби чорвадорларнинг машаққатли меҳнати ҳам муносиб қадрланипти, турмуш шароитлари анча замонавийлашди. Албатта, булар юртимизда ижтимоий адолат тамойили устувор эканининг ёрқин ифодасидир.

Кўйчиовонликни отам кишини ҳар жиҳатдан камолга етказувчи хосиятли касб деб биларди. Ота-боболаримизга ва тоғаларимизга эргашибми, ёшлигидан чўпонликка ҳавас қўйган Рустам ва Ислам акаларимга доим шундай бир ўғитини уқдирарди: «Кўй жонивор ҳалолликни, покизаликни суяди. Кўйга эргашган одам ҳалол юрса, ҳалол турса, нияти тўғри бўлса, ҳеч қачон кам бўлмайди». Бизга мавҳум ва гаройиб туюладиган бир ҳодисани отам тез-тез эслаб турарди. «Сизларга ёлғон, ҳудого чин: бир кун қўшда егулик ҳеч нарса қолмаган. Кеч бўлиб бораёпти, рўзамни нима билан очаман, деб ўйлаиб келаятсам, кўм-кўк бўзнинг устида иккита иссиқ нон турипти. Олиб қўйнимга солдим, биттаси билан ифторлик қилдим, биттасини саҳарликда едим...»

Отамнинг баъзилар наздида бир қадар ибтидоий бўлиб туюладиган дунёқараш, фикрлаш тарзи ва ўй-мулоҳазалари ҳам мана шундай ҳаётини омиллар ва диний-маърифий асослар уйғунлигида шаклланган, деб тахмин қиламан. Хусусан, тўғрилик ва ҳалоллик отам ҳаётининг, агар таъбир жоиз бўлса, энг бақувват устуларидан эди. Кўйимиз қирқтага этгани учун ҳар йил биттадан қўйни, шунингдек, қора молларимиз ва томорқадан келадиган йиллик даромадимиздан ҳам маълум улущини закот ўрнида бевабечораларга бериб келарди. Отамнинг қатъий фикрича, шундай қилинса, кишининг мол-дунёси ҳалол бўларкан.

Сабр-бардошли қарияларимизнинг айтишларича, очарчилик ва ҳақатчилик йилларида одамлар бир бурда нонга зор бўлиб, кунжара еб, шишиб ўлганлар кўп бўлган. Уша йиллари бир кило бўғдойнинг баҳоси фалон сўмга чиққан, ҳатто тўрт мучаси соғ, дуппа-дуруст одамлар ҳам тирикчилик важдан ўғриллик қилишга мажбур бўлишган, бир туғун бўғдой учун бир-бирини ўлдирганга бориб етишган экан.

Ушанадай даврларда ҳам ўз эътиқолида мустаҳкам турган отам ўз ҳаёти, рўзғор тутуми мисолида ҳалоллик ҳақидаги ҳикमतлар ҳақиқат эканига бизда қайта-қайта ишонч пайдо қилганди. «Меҳнатнинг оғири илм олиш», дерди отам. 1966 йили мени Наманган вилоятига ўқишга оқ фотиҳа бериб йўллаганиди. Омад келиб, Наманган Давлат педагогика институтига ўқишга кирганимда, отам беҳад суюнган хали-ҳали кўз олдимда. Лекин сезишимча, отам менин олий даргоҳда тахсил олаётганимдан ва ҳатто аъло баҳоларимдан кўра ҳам Девонан Машрабнинг ватани бўлган табаррук заминда йўқитганимдан кўпроқ қувонарди. Чунки Машраб ҳақидаги киши ақлини лол қолдирувчи кўплаб манокўб ва ҳикоятларни мароқ билан сўзлаб юрарди. Шуларни миннатдорлик билан эсласам, на молу дунё, на зебу зоҳирга берилмаган ота-оналаримизнинг қалби ва маънавияти қанчалар мунаввар бўлганлигидан ҳайратим ортади.

Ота-оналаримиз ва кекса авлодимиз ҳаёти ва қисмати қанчалик сермашаққату оғир кечган бўлмасин, улар, энг аввало, олийжаноб мақсади меҳр-оқибати, эзгуликка йўғрилгани билан эътиборли, қадрлидир. Бу бебаҳо маънавий қадриятларимизни эъзозлаш ва улардан қай даражада ибрату сабоқ олиш эса ўзимизга боғлиқ.

Усмонжон ҚОСИМОВ,
доцент

O'KUF FTUU

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abdusolliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'liqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib)

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon +99897 465 05 81;
Buxoro +99893 653 50 81;
Jizzax +99872 360 00 10;
Navoiy +99894 226 28 84;
Namangan +99897 491 79 28;
Samarqand +99866 708 70 12;
Surxondaryo +99897 458 05 07;
Farg'ona +99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +99862 562 56 75;
Qashqadaryo +99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2012@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A. Abdullayev

Navbatchi:
U. Ibdinov

Musahhah:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H. Abdullayev

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi. Korxonaning manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

H - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 21.30

Buyurtma G — 511

21945 nusxada bosildi

1 2 3 4

Юксак ахлоқий фазилатларга эга, интеллектуал салоҳиятли мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Республика Марказий банки қошида ташкил этилган Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежи умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини 2012-2013 ўқув йили учун ўқишга таклиф этади.

Коллежда ўқувчиларнинг қобилияти, кўникма ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда «банк иши», «бухгалтерия ҳисоби ва аудит», «қимматли қоғозлар бозори», «сугурта агентлиги» мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланади. Уларнинг чуқур билим олиши учун барча шароитлар яратилган. 100 нафардан зиёд ўқитувчининг кўпчилиги фан номзоди ва фан доктори ҳисобланади. 27 мингдан зиёд китоб фонди ва электрон дарсликларга эга бўлган ахборот-ресурс маркази ҳамда 70 ўринли зал, 270 ўринли фаоллар зали, спорт-соғломлаштириш мажмуи, 230 ўринга мўлжалланган ошхона фойдаланувчилар хизматида. Янгиликлар билан таништириб бориш учун радиомарказ фаолият кўрсатади.

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эшонгузар кўрғони, Усмон Юсупов кўчаси, 1-уй.Телефонлар: 270-56-17, Факс 270-56-31. E-mail: tbhk@mail.ru, tbhk@list.ru 13, 69, 74, 87, 147 - автобусларнинг «Бек-тўпи» бозори бекати. 21, 90,110, 140-йўналишли таксиларнинг «Бек-тўпи» бозори бекати. Мўлжал: Тошкент халқа йўли «Бек-тўпи» бозори рўпараси.



Чотқол дарёси бўйида жойлашган

«КОНСТРУКТОР»

Болалар соғломлаштириш оромгоҳи
аҳолига харид қилиш учун талабномалар қабул қилади

Соғломлаштириш мавсуми
15 кунлик 4 сменада ташкил этилади.

Мавсумнинг бошланishi — 14.06.2012 й.

Манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, Ғалаба-1 Тел: 248-15-01; 248-10-03

Хизматлар лицензияланган